

Тошкент Тиббиёт Академияси Тиббий педагогика факультети

Нормал ва патологик физиология кафедрасида ўтказилган

**Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг
порлоқ хотирасига бағишланган**

“Хотира дарси” баённомаси

Тошкент ш.

02.09.2017 йил

Қатнашдилар: кафедра мудири, профессор Б.У. Ирискулов, катта ўқитувчилар: З.Н. Бобоева, Р.Б. Тожибоева, ассистентлар: З.Х. Кодирова, Ф.А. Дустов ва тиббий-профилактика факультетининг 301 гуруҳ талабалари.

Кун тартиби: “Хотира дарси” мавзусини ўрганиш.

Сўзга чиқдилар: проф. Б.Ў. Ирискулов Ўзбекистоннинг биринчи Президенти муҳтарам Ислон Каримов 1989 йил 24 июнда республика ҳукуматининг мажлисида республика раҳбари сифатида ўтказган биринчи мажлисида “Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди” деган буюк ва қатъий баёнот ишга киришганлар.

Ислон Абдуғаниевич Каримов мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, юртимизни собиқ мустабид тузум қарамлигидан озод қилиб, уни замонавий асосда тараққий эттириш стратегиясини, дунёда “Ўзбек модели” деган ном билан тан олинган ривожланиш йўлини ишлаб чиққан, жаҳон миқёсида катта обрў-эътибор қозонган, буюк давлат ва сиёсат арбоби сифатида Ватанимиз тарихида ўчмас ва ёркин из қолдирди.



Халқимиз ўзининг қисқа муддат – 26 йилда эришган барча ютуқ ва марраларини айнан Президент Ислон Каримов номи билан боғлайди ва шу улуғ инсоннинг бекиёс хизматлари деб кўради.

Мустақилликни қўлга киритиб, ночор иқтисодиётдан, номаъқул моделлардан бутунлай воз кечдик. Муҳтарам Президентимизнинг беш тамойилга асосланган “Ўзбек модели” бизни мана шундай фаровон кунларга олиб келди.



Юртимиз илгариги қолоқ, иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, пахта яккаҳоқимлиги ҳалокатли даражада авж олган аграр ўлкадан бугунги кунда изчил тараққий этиб бораётган замонавий индустриал мамлакатга айланди. Ислон Каримов томонидан пухта ишлаб чиқилган иқтисодий стратегия туфайли мамлакат иқтисодиётида саноатнинг улуши 34 фоизга етгани, экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 70 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Бугунги кунда иқтисодиётимизда етакчи ўринни эгаллаб турган нефть ва газ кимёси, нефть-газ машинасозлиги, автомобилсозлик, замонавий қурилиш материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, маиший электроника, фармацевтика, юқори технологияларга асосланган озик-овқат ва тўқимачилик саноати каби соҳа ва тармоқларнинг жадал ривожланаётгани илмий ва амалий жиҳатдан пухта амалга оширилган сиёсатнинг меваларидир.

Муҳтарам Ислон Абдуғаниевичнинг босиб ўтган умр йўллари, мустақиллигимизни ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш борасидаги тарихий хизматлари барчамиз учун, шу жумладан, мен учун ҳам энг ёрқин ибрат намунаси ва катта ҳаёт мактаби бўлиб қолади.



Буюқ устозимизнинг сиёсий мероси, у киши белгилаб берган тараққиётимизнинг асосий тамойиллари, устувор йўналишлар, мақсад ва вазифаларни сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш – биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз мустақилликка эришган илк йиллардан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг юксак ишончини қозониб, унинг яқин сафдоши ва маслаҳатдоши сифатида самарали фаолият олиб бормоқда.

2016 йил 8 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида парламент палаталарининг қўшма қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазифа ва ваколатларини бажариш вақтинча Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юкланди.

19 октябрь куни Тошкентда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съезди бўлиб ўтди. Унда партия сиёсий кенгаши аъзоси Шавкат Миромонович Мирзиёев номзодини Президентликка тасдиқлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинди. 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтган Президент сайлови якунлари бўйича сайловчиларнинг **88,61 фоиз овози** билан Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

Ўзбекистонда халқнинг турли қатламдаги аҳолиси билан тўғридан тўғри мулоқот қиладиган аввал, Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири кейин Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси электрон портали ишга тушди;

- **2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси** ва унинг ижро механизми амалиётга жорий қилиниб, Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда;



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўтган давр мобайнида мамлакатимизни ривожлантиришга қаратилган **20 дан ортиқ қонун, Президентнинг 180 дан ортиқ Фармони, 450 дан ортиқ қарорини** имзолади ва унинг ижроси Республикаимиз бўйлаб жадал амалга оширилмоқда

Кафедра мудири, профессор

Б.Ў. Ирискулов

Маънавият-маърифат ишлари

учун масъул

М.И. Жабборова

Тошкент тиббиёт академияси
Даволаш факультети 305 гуруҳининг мураббийлик мажлиси
Б А Ё Н Н О М А С И

09.09.2017 йил

Тошкент шаҳри

Қатнашдилар: гуруҳ мураббийси З.Н. Бобоева ва гуруҳ талабалари, нормал ва патологик физиология кафедраси профессор ўқитувчилари.

Кун тартиби:

1. “Фидойинг бўлгаймиз сени, ЎЗБЕКИСТОН” мавзусида ахборот соати
2. Талабаларнинг дарсга давомати, ўзлаштириши
3. Гуруҳ талабалари фаолияти ҳужжатларининг ҳолати

Сўзга чиқдилар: гуруҳ мураббийси З.Н. Бобоева, Ўзбекистон мустақиллигининг 26 йиллигини муносиб кутиб олиш, эл-юртимизни янги марралар сари руҳлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан 2017 йил 27 июнда «**Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида**»ги ПҚ-3095-сонли Президент қарори асосида “**Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!**” деган бош ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқилди.

Бу қарор ўзининг нуфузи, залвори, юракка яқинлиги билан бошқа қарорлардан фарқ қилади. Унинг ҳар банди, сатри замирида катта маъно-мазмун, тарихий ҳақиқатлар мужассамлигини яхши англаймиз. Қарорнинг биринчи бандида 1-сентябрь — Мустақиллик кuni экани эътироф этиларкан, «...**Халқимизнинг асрий орзу-интилишлари рўёбга чиққан буюк тарихий сана**», деб таъкидланади. Нима учун **«асрий орзу интилишлар»** дейилмоқда? Бугунги ёшлар бу уч сўз ортида бир асрдан зиёд қарамлик даврининг азоб-уқубатлари, мусибатлари, кулфатлари, қатағонлари ётганини англашяптими?

Бу сўзлар ортида аччиқ тарихимиз ётибди. Жафокаш халқимизнинг, ор-номусли, ватанпарвар аждодларимизнинг эрк, озодлик, мустақиллик, дея тўққан қони ётибди, орзу армонлари ётибди, қамоқхоналарда, сургунларда ҳаётдан кўз юмган ота-боболаримизнинг жони ётибди, отилган, дорга осилган минг-минглаб инсонларнинг қисмати, оилаларнинг, етим қолган болаларнинг фожиали тақдири ётибди.

Карамликнинг даҳшатларини, совет давлатининг золим сиёсатини аниқроқ тасаввур қилиш имконини берадиган айрим мисолларга эътибор қаратайлик. **«1937-1939 йилларнинг ўзидагина... 41 минг нафардан кўпроқ киши қамалди. Шулардан 37 минг нафардан кўпроғи судланди, 6 минг 920 киши отиб ташланди...»**

Уларнинг аксарияти туман ва вилоятлар раҳбарлари, маданият ва таълим ходимлари, олимлар, шоир, ёзувчилар, журналистлар, ўқитувчилар эди, миллатнинг зиёлилари, ватанпарварлари эди... Улар «миллатчи», «жадидчи», «Ватан хоини», «чет эл империализмининг айғоқчиси», «пантуркист» каби турли бўҳтонлар билан йўқ қилинганди. Аслида улар озодлик, эрк ҳақида гапиргани, ўз халқига ачингани, ҳақ-ҳуқуқини сўрагани учун хавфли душман сифатида қатағон қилинганди.

Юртимиз қарамликда қолган **130 йил** давомида қирғину қатағонлар узлуксиз давом этган. **1983-1989 йилларда «Пахта иши», «Ўзбек иши»** тамғаси остида совет давлати Ўзбекистонда сўнгги қатағонни ўтказди. Мустабид замонда халқимиз тортган жабр-зулмнинг, бошимизга тушган кулфатларнинг, йўқотишларнинг чеки-чегараси бўлмаган. Халқимиз озодлик, ҳурлик учун узоқ курашган. Шунинг учун ҳам мустақиллик халқимизнинг асрий орзу интилишлари бўлган. Бу орзунинг ушалиши эса Биринчи Президентимиз **Ислом Абдуғаниевич Каримов** номи билан чамбарчас боғлиқлигини такрор-такрор эътироф этиш мумкин.

Қарорда мустақиллигимиз **«Буюк ва бебаҳо неъмат»** деб қадрланяпти, улуғланяпти. Буюклиги, бебаҳолиги нимаданлиги эътироф этиляпти. **«Мустақилликнинг миллий тараққиётимиз, бугунги ва келгуси авлодлар тақдири, келажаги учун беқиёс аҳамияти йиллар ўтиши билан тобора ортиб бормоқда»**, дейилади қарорда. Шунингдек, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги халқимизнинг миллий манфаатларини, тинч ва осуда ҳаётини таъминлаш, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб қолмоқда, деб алоҳида таъкидланади.

Проф. Б.Ў. Ирисқулов: Дарҳақиқат, бугун Ўзбекистон қандай ютуқларга эришяётган бўлса, барчасининг замирида мустақиллик берган ҳуқуқ, имконият, ваколат турибди. Мустақиллик туфайли, қарорда айтилганидек, жаҳон харитасида Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотида дунё давлатлари байроқлари қаторида Ўзбекистонимиз байроғи ҳам ҳилпирай бошлади. Биз ўз номимиздан ўзимиз гапириш, ўз тақдиримизни ўзимиз ҳал этиш, ўз юртимизга ўзимиз эгалик қилишдек олий ҳуқуққа эга бўлдик.

“Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз”, “Халқ давлат давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади” каби тамойил ва ғоялар

асосида мустақиллик йилларида эришилган ютуқларни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, уларни халқимиз онгу тафаккурига сингдириш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тавсия этилган ғоянинг мазмун-моҳияти нимада? “Фидо бўлиш” янги мақсадлар сари ўзини сафарбар этиш, “чексиз садоқатни намоён этиш” дегани, ҳар бир кишининг, пировард натижада бутун жамиятнинг бугунги кундан тўла-тўқис қоникмаётгани, муайян камчиликлар мавжудлиги, бундай муаммою камчиликларни бартараф этиш эса ҳар биримиздан жонни фидо қилишни талаб этаётганини англатади. Мақсадни, маррани баланд олсаг-у, ҳаётимиз, турмушимиз кечагидан фаровон, гўзал бўлишини истасак-да, аммо ишимизнинг суръатини оширмасдан, ўтган кундаги тезликда фаолият кўрсатиш асносида бой, бадавлат ва бахтли ҳаётни орзу қилсак, бу “фидойилик”ка уйғун ҳол эмас. “Фидойилик” барчамиздан кечаги кундан бугун кўпроқ, сифатлироқ, унумлироқ ишлашни, фикр қилишни, мушоҳадани, таҳлилни, хулоса чиқаришни, самара ва натижани кўзлаб иш юритишни талаб этади.

Фаровон, обод ҳаёт фақат истак, хоҳишлар билангина пайдо бўлмайди. Унинг учун ҳаракат, курашиш, тинимсиз меҳнат қилиш қилиш лозим.

гуруҳ мураббийси З.Н. Бобоева: Қарорга мувофиқ, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиси ҳамда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурининг йўналишларига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг кейинги 8-9 ой мобайнида олиб бораётган сиёсати, халқимиз ижтимоий онгига тобора сингиб бораётган ҳаётдан розилик кайфияти барчамизни эртанги кунга умид билан курашга ундамоқда. Буюк ва бебаҳо неъмат – мустақилликнинг Ўзбекистон тараққиётидаги беқиёс аҳамияти бугун яққолроқ кўринмоқда.

Мажлис давомида гуруҳ талабалари ҳам мавзу бўйича ўз фикрларини билдирдилар.

Мавзу қизғин мунозара этилди.

Қарор қилинди:

1. ТМА одоб ахлоқ нормалари тартиб қоидалирига мунтазам риоя қилиш
2. Дарсларни ўзлаштириш даражасини ошириш

Гуруҳ мураббийси

З.Н.Бобоева

Тошкент тиббиёт академияси
Даволаш факультети 305 гуруҳининг мураббийлик мажлиси
Б А Ё Н Н О М А С И

07.09.2017 йил

Тошкент шаҳри

Қатнашди: гуруҳ мураббийи З.Н. Бобоева ва гуруҳ талабалари.

К У Н Т А Р Т И Б И:

4. Гуруҳ талабалари фаолияти ҳужжатларининг ҳолати
5. 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909 сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2017 йил 5 майдаги ПҚ-2956-сонли “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорлар бўйича ахборот соати

ЭШИТИЛДИ: Гуруҳ мураббийи З.Н. Бобоева талабаларнинг давомати ва дарсга қатнашиш ҳолати билан танишди. Талабаларнинг дарсга қатнашиш ҳолати қониқарли. Дарсни ўзлаштириш бирмунча яхши эмас. “2” баҳо олган ва яхши ўзлаштирмаётган талабаларга танбех берилди. Ҳафта давомида зудлик билан қайта топшириши ҳақида таъкидланди.

Мураббий сўз навбатини гуруҳ сардори Н. Зукуровага берди. У барча талабалар ҳақида шахсий варақали ҳужжатлар тайёр эканлигини, бироқ баъзи камчиликлар борлигини айтиб, тезда тўғирлашга ваъда берди

Иккинчи масала юзасидан, яъни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ 2909 – сонли «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 5 майдаги ПҚ-2956-сонли “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорлар бўйича қуйидаги ахборот берилди;

1. ТМА билан хориждаги етакчи турдош илмий-таълим муассасалари билан истиқболли ҳамкорлик алоқаларини яқиндан йўлга қўйиш;
2. олий маълумотли кадрларни тайёрлашнинг мақсадли мезонларини шакллантириш, оптималлаштириш;
3. янги авлод ўқув қўлланмаларини яратиш;
4. олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолият билан шуғулланишга жалб этиш;
6. олий таълим муассасаларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан таъминлаш ҳақида;

Олий таълим тизимини 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган комплекс ривожлантириш дастури ҳақида ахборот берилди.

2017 — 2021 йилларда 48 та олий таълим муассасасида жами 180 та ўқув, илмий-лаборатория биноси, спорт иншоотлари ва ижтимоий-муҳандислик инфратузилмалари объектларида қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилади.

Магистратура бўйича янги йўналиш очилди, профессор ўқитувчиларнинг малакасини ошириш режалари ишлаб чиқилди, хориждаги ҳамкор олий ўқув юртлари (акад.И.П.Павлов номидаги 1 чи Санкт-Петербург Давлат тиббиёт университети ва Кореядаги Асан тиббиёт маркази) билан меморандумлар имзоланиб, бир гуруҳ профессор ўқитувчилар малака ошириб қайтдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги ПҚ-2956 –сонли “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида :

7 та олий тиббий таълим муассасалари ҳамда уларнинг худудий филиаллари ташкил этилиб, соғлиқни сақлаш эҳтиёжи учун ҳар йили 2 мингдан ортиқ шифокорлар тайёрланиши таъминланди.

1998 йилдаги ПФ-2107-сонли Фармони олий тиббий таълим тизимини халқаро икки босқичли тизимга ўтишга замин яратди.

46 та тор мутахассислик (хирург, кардиолог, офтальмолог, инфекционист ва ҳ.к.) йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлашга қаратилди.

Республика бўйича шифокорларнинг умумий сони 72 минг нафар бўлиб, ҳар 10 минг аҳолига нисбатан 23,5 ни ташкил этади. Аммо Жиззах, Сурхондарё, Қашқадарё, Наманган Тошкент, Сирдарё, Фарғона ва Навоий вилоятларида бу кўрсаткич 15,0-19,0 гача ташкил этмоқда.

Тиббий таълим соҳасида даволаш иши йўналишида ўқиш муддатларини 7 йилдан 6 йилга қисқартирилган;

ижтимоий-иқтисодий фанлар блокани 7% га қисқартирилиб, клиникагача ва клиникага оид фанлар учун соатлар ҳажми 85%гача кўпайтирилган янги турдаги ўқув режаларни ишлаб чиқиш;

Талабаларни 1-курсдан клиникага яқинлаштириш мақсадида ўқув режаларига “Тиббиёт касбига кириш” (Даволаш иши, касб таълими), “Мутахассисликка кириш” (тиббий профилактика иши) фанлари киритилди.

Ўқиш билан амалиётни биргаликда олиб бориш, талабаларнинг бевосита ишлаб чиқаришда амалий машғулотларни ва малакавий амалиётларини ўтказишни юқори савияда ташкил этиш, талабаларни амалий жиҳатдан тайёрлашга эътиборни кучайтириш назарда тутилган.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Талабаларнинг дарсга давоматини, ўзлаштириш сифатини яхшилаш.
2. Чет тилини ўрганишни янада такомиллаштириш

Мураббий

З. Н. Бобоева

Тошкент тиббиёт академияси
Даволаш факультети 309 гуруҳининг мураббийлик мажлиси
Б А Ё Н Н О М А С И

08.09.2017 йил

Тошкент шаҳри

Қатнашди: гуруҳ мураббийи Р.Б.Таджибаева ва гуруҳ талабалари.

К У Н Т А Р Т И Б И:

6. Гуруҳ талабалари фаолияти ҳужжатларининг ҳолати
7. 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909 сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2017 йил 5 майдаги ПҚ-2956-сонли “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорлар бўйича ахборот соати

ЭШИТИЛДИ: Гуруҳ мураббийи Р.Б. Таджибаева талабаларнинг давомати ва дарсга қатнашиш ҳолати билан танишди. Талабаларнинг дарсга қатнашиш ҳолати қониқарли. Дарсни ўзлаштириш бирмунча яхши эмас. “2” баҳо олган ва яхши ўзлаштирмаётган талабаларга танбеҳ берилди. Ҳафта давомида зудлик билан қайта топшириши ҳақида таъкидланди.

Мураббий сўз навбатини гуруҳ сардорига берди. У барча талабалар ҳақида шахсий варақали ҳужжатлар тайёр эканлигини, бироқ баъзи камчиликлар борлигини айтиб, тезда тўғирлашга ваъда берди

Иккинчи масала юзасидан, яъни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ 2909 – сонли «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 5 майдаги ПҚ-2956-сонли “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорлар бўйича қуйидаги ахборот берилди;

1. ТМА билан хориждаги етакчи турдош илмий-таълим муассасалари билан истиқболли ҳамкорлик алоқаларини яқиндан йўлга қўйиш;
2. олий маълумотли кадрларни тайёрлашнинг мақсадли мезонларини шакллантириш, оптималлаштириш;
3. янги авлод ўқув қўлланмаларини яратиш;
4. олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолият билан шуғулланишга жалб этиш;
6. олий таълим муассасаларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан таъминлаш ҳақида;

Олий таълим тизимини 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган комплекс ривожлантириш дастури ҳақида ахборот берилди.

2017 — 2021 йилларда 48 та олий таълим муассасасида жами 180 та ўқув, илмий-лаборатория биноси, спорт иншоотлари ва ижтимоий-муҳандислик инфратузилмалари объектларида қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилади.

Магистратура бўйича янги йўналиш очилди, профессор ўқитувчиларнинг малакасини ошириш режалари ишлаб чиқилди, хориждаги ҳамкор олий ўқув юртлари (акад.И.П.Павлов номидаги 1 чи Санкт-Петербург Давлат тиббиёт университети ва Кореядаги Асан тиббиёт маркази) билан меморандумлар имзоланиб, бир гуруҳ профессор ўқитувчилар малака ошириб қайтдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги ПҚ-2956 –сонли “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида :

7 та олий тиббий таълим муассасалари ҳамда уларнинг худудий филиаллари ташкил этилиб, соғлиқни сақлаш эҳтиёжи учун ҳар йили 2 мингдан ортиқ шифокорлар тайёрланиши таъминланди.

1998 йилдаги ПФ-2107-сонли Фармони олий тиббий таълим тизимини халқаро икки босқичли тизимга ўтишга замин яратди.

46 та тор мутахассислик (хирург, кардиолог, офтальмолог, инфекционист ва ҳ.к.) йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлашга қаратилди.

Республика бўйича шифокорларнинг умумий сони 72 минг нафар бўлиб, ҳар 10 минг аҳолига нисбатан 23,5 ни ташкил этади. Аммо Жиззах, Сурхондарё, Қашқадарё, Наманган Тошкент, Сирдарё, Фарғона ва Навоий вилоятларида бу кўрсаткич 15,0-19,0 гача ташкил этмоқда.

Тиббий таълим соҳасида даволаш иши йўналишида ўқиш муддатларини 7 йилдан 6 йилга қисқартирилган;

ижтимоий-иқтисодий фанлар блокани 7% га қисқартирилиб, клиникагача ва клиникага оид фанлар учун соатлар ҳажми 85%гача кўпайтирилган янги турдаги ўқув режаларни ишлаб чиқиш;

Талабаларни 1-курсдан клиникага яқинлаштириш мақсадида ўқув режаларига “Тиббиёт касбига кириш” (Даволаш иши, касб таълими), “Мутахассисликка кириш” (тиббий профилактика иши) фанлари киритилди.

Ўқиш билан амалиётни биргаликда олиб бориш, талабаларнинг бевосита ишлаб чиқаришда амалий машғулотларни ва малакавий амалиётларини ўтказишни юқори савияда ташкил этиш, талабаларни амалий жиҳатдан тайёрлашга эътиборни кучайтириш назарда тутилган.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

3. Талабаларнинг дарсга давоматини, ўзлаштириш сифатини яхшилаш.
4. Чет тилини ўрганишни янада такомиллаштириш

Мураббий

Р.Б. Таджибаева

Тошкент тиббиёт академияси
Даволаш факультети 402 гуруҳининг мураббийлик мажлиси
Б А Ё Н Н О М А С И

07.09.2017 йил

Тошкент шаҳри

Қатнашди: гуруҳ мураббийи С.З.Сайдалиходжаева ва гуруҳ талабалари.

К У Н Т А Р Т И Б И:

8. Гуруҳ талабалари фаолияти ҳужжатларининг ҳолати
9. 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909 сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2017 йил 5 майдаги ПҚ-2956-сонли “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорлар бўйича ахборот соати

ЭШИТИЛДИ: Гуруҳ мураббийи С.З. Сайдалиходжаева талабаларнинг давомати ва дарсга қатнашиш ҳолати билан танишди. Талабаларнинг дарсга қатнашиш ҳолати кониқарли. Дарсни ўзлаштириш бирмунча яхши эмас. “2” баҳо олган ва яхши ўзлаштираётган талабаларга танбеҳ берилди. Ҳафта давомида зудлик билан қайта топириши ҳақида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ 2909 – сонли «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 5 майдаги ПҚ-2956-сонли “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорлар бўйича қуйидаги ахборот берилди;

1. ТМА билан хориждаги етакчи турдош илмий-таълим муассасалари билан истиқболли ҳамкорлик алоқаларини яқиндан йўлга қўйиш;
2. олий маълумотли кадрларни тайёрлашнинг мақсадли мезонларини шакллантириш, оптималлаштириш;
3. янги авлод ўқув қўлланмаларини яратиш;
4. олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолият билан шуғулланишга жалб этиш;
6. олий таълим муассасаларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан таъминлаш ҳақида;

Олий таълим тизимини 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган комплекс ривожлантириш дастури ҳақида ахборот берилди.

2017 — 2021 йилларда 48 та олий таълим муассасасида жами 180 та ўқув, илмий-лаборатория биноси, спорт иншоотлари ва ижтимоий-муҳандислик инфратузилмалари объектларида қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилади.

Магистратура бўйича янги йўналиш очилди, профессор ўқитувчиларнинг малакасини ошириш режалари ишлаб чиқилди, хориждаги ҳамкор олий ўқув юртлари (акад.И.П.Павлов номидаги 1 чи Санкт-Петербург Давлат тиббиёт университети ва Кореядаги Асан тиббиёт маркази) билан меморандумлар имзоланиб, бир гуруҳ профессор ўқитувчилар малака ошириб қайтдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги ПҚ-2956 –сонли “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида :

7 та олий тиббий таълим муассасалари ҳамда уларнинг ҳудудий филиаллари ташкил этилиб, соғлиқни сақлаш эҳтиёжи учун ҳар йили 2 мингдан ортиқ шифокорлар тайёрланиши таъминланди.

1998 йилдаги ПФ-2107-сонли Фармони олий тиббий таълим тизимини халқаро икки босқичли тизимга ўтишга замин яратди.

46 та тор мутахассислик (хирург, кардиолог, офтальмолог, инфекционист ва ҳ.к.) йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлашга қаратилди.

Республика бўйича шифокорларнинг умумий сони 72 минг нафар бўлиб, ҳар 10 минг аҳолига нисбатан 23,5 ни ташкил этади. Аммо Жиззах, Сурхондарё, Қашқадарё, Наманган Тошкент, Сирдарё, Фарғона ва Навоий вилоятларида бу кўрсаткич 15,0-19,0 гача ташкил этмоқда.

Тиббий таълим соҳасида даволаш иши йўналишида ўқиш муддатларини 7 йилдан 6 йилга қисқартирилган;

ижтимоий-иқтисодий фанлар блокани 7% га қисқартирилиб, клиникагача ва клиникага оид фанлар учун соатлар ҳажми 85%гача кўпайтирилган янги турдаги ўқув режаларни ишлаб чиқиш;

Талабаларни 1-курсдан клиникага яқинлаштириш мақсадида ўқув режаларига “Тиббиёт касбига кириш” (Даволаш иши, касб таълими), “Мутахассисликка кириш” (тиббий профилактика иши) фанлари киритилди.

Ўқиш билан амалиётни биргаликда олиб бориш, талабаларнинг бевосита ишлаб чиқаришда амалий машғулотларни ва малакавий амалиётларини ўтказишни юқори савияда ташкил этиш, талабаларни амалий жиҳатдан тайёрлашга эътиборни кучайтириш назарда тутилган.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

5. Талабаларнинг дарсга давоматини, ўзлаштириш сифатини яхшилаш.
6. Чет тилини ўрганишни янада такомиллаштириш

Мураббий

С.З. Сайдалиходжаева

Тошкент тиббиёт академияси
Даволаш факультети 309 гуруҳининг мураббийлик мажлиси
Б А Ё Н Н О М А С И

25.09.2017 йил

Тошкент шаҳри

Қатнашдилар: гуруҳ мураббийси Р.Б.Таджибаева ва гуруҳ талабалари.

Кун тартиби:

- 1.“Устознинг шарафи ва масъулияти” мавзусида ахборот соати
- 2.Гуруҳ талабалари фаолияти ҳужжатларининг ҳолати

Сўзга чиқдилар: гуруҳ мураббийси Р.Б. Таджибаева, жамиятимиз ҳаётида алоҳида муҳим аҳамият касб этган таълимни ривожлантириш умуммиллий дастурларимизни амалга ошириш натижасида мамлакатимизда умумий ва ўрта махсус таълим тизимига, икки босқичли олий таълим тизимига асос солиниб, замонавий янги авлод кадрларини тарбиялаш учун мустаҳкам пойдевор яратилгани Ўзбекистонимизнинг жаҳон майдонида рақобатдошлигини таъминлашнинг ишончли замини бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Тарихий тараққиёт шуни кўрсатадики, юртнинг равнақ топиши ва обод бўлиши мақсад қилиб қўйилган давлатда биринчи ўринда ёшларни тарбиялашга, уларга зарур шарт-шароит яратиб беришга устувор вазифа сифатида қаралиши лозим.

Устозларга эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос қадриятдир. Республикамизда 1 - октябр “Ўқитувчи ва мураббийлар куни” умумхалқ байрами сифатида нишонланади.

Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатилган ходимлар мунтазам равишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида асосан мукофотланадилар.

Шунингдек, бошқа талабалар ҳам ўз фикр мулоҳазаларини билдирдилар.

2 чи масала юзасидан гуруҳ сардори У.Рахмонов маълумот берди. У барча талабалар ҳақида шахсий варақали ҳужжатлар тайёр эканлигини, бироқ ижара яшовчи талабалар ҳақида маълумотларда камчиликлар мавжудлигини айтиб, тезда тўғирлашга ваъда берди.

Қарор қилинди:

1. Давоматни яхшилаш
- 2.ТТЖ да белгиланган тартиб қоидаларга риоя қилиш

Гуруҳ мураббийси

Р.Б. Таджибаева

Тошкент тиббиёт академияси
Даволаш факультети 402 гуруҳининг мураббийлик мажлиси
Б А Ё Н Н О М А С И

14.09.2017 йил

Тошкент шаҳри

Қатнашдилар: гуруҳ мураббийси С.З.Саидалиходжаева ва гуруҳ талабалари.

Кун тартиби:

1. “Тинчлик осойишталик фаровон ҳаётимиз асоси” мавзусида ахборот соати
2. Талабаларнинг дарсга давомати, ўзлаштириши
3. Гуруҳ талабалари фаолияти ҳужжатларининг ҳолати

Сўзга чиқдилар: гуруҳ мураббийси С.З.Саидалиходжаева, юртимизнинг қолоқ, иқтисодиёт бирёқлама ривожланган, пахта яккаҳоқимлиги ҳалокатли даражада авж олган аграр ўлкадан, бугунги кунда изчил тараққий этиб бораётган замонавий индустриал мамлакатга айлангани ҳозирги кунда айна ҳақиқат. Бугун иқтисодиётимизда етакчи ўринни нефть ва газ кимёси, нефть-газ машинасозлиги, автомобилсозлик, замонавий қурилиш материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, маиший электроника, фармацевтика, юқори технологияларга асосланган озиқ-овқат ва тўқимачилик саноати каби соҳа ва тармоқлар жадал ривожланаяпти.

Юртимиз аҳолисининг асосий озиқ-овқат товарлари, аввало дон, картошка, гўшт, сут ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи 1990 йилда импорт ҳисобидан қопланган бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг 96 фоизи мамлакатимизда ишлаб чиқарилмоқда.

Ўтган давр мобайнида аҳоли жон бошига гўшт истеъмоли 1,4 баробар, сут ва сут маҳсулотлари – 1,5 карра, картошка – 1,9 марта, сабзавот – 2,6 баробардан ортиқ, мева 6,3 марта кўпайгани мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг мустаҳкам пойдеворидир.

Албатта, бу Ватанда яшовчи халқ неча суронли синовларни бошидан ўтказди, қанчадан-қанча мард ва жасур, фидойи инсонларни, ўғлонларни етиштирди. Жонажон мамлакатимиз сарҳадларини, эрки ва озодлигини ҳимоя қилиш учун ана шу сардор ўғлонлар, ҳаттоки уларни дунёга келтирган оналари ҳам ўзларининг ширин жонини фидо қилишдан қочмади, шу азиз Ватан учун фидокор хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш орқали давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш ишлари олиб борилди.

Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, чегараларимиз дахлсизлигини асраш, Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини кучайтириш, жаҳон миқёсида рақобат, қарама-қаршилик тобора бешафқат тус олаётган, радикализм, терроризм, экстремизм, “оммавий маданият” каби таҳдидлар кучайиб бораётган таҳликали замонда доимо огоҳ ва хушёр бўлиб яшаш, сафарбарлигимизни янада ошириш – бугун ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган энг муҳим ва долзарб вазифамиз эканини унутмаслигимиз керак.

Ҳар бир эришилган ютуқларимиз замирида тинчлик аҳамияти жуда катта. Шунинг учун, бу неъматни кўз қорачиғидай асрашимиз зарур.

2 масала юзасидан гуруҳ сардори ахборот берди. Гуруҳда давомат унчалик ёмон эмас. Лекин, ўзлаштириш сифатини ошириш учун давоматни 100% га етказиш зарурлиги таъкидланди. Фанлар жуда қизиқ келгусида яхши мутахассис бўлиш учун янада билим доирасини кенгайтириш лозимлиги ҳақида фикр билдирди.

Қарор қилинди:

1. Давоматни яхшилаш
2. ТТЖ да белгиланган тартиб қоидаларга риоя қилиш

Гуруҳ мураббийси

С.З.Саидалиходжаева

Тошкент тиббиёт академияси
Даволаш факультети 305 гуруҳининг мураббийлик мажлиси
Б А Ё Н Н О М А С И

22.09.2017 йил

Тошкент шаҳри

Қатнашдилар: гуруҳ мураббийси З.Н. Бобоева ва гуруҳ талабалари.

Кун тартиби:

- 1.“Буюк аждодларга эҳтиром” мавзусида ахборот соати
- 2.Талабаларнинг дарсга давомати, ўзлаштириши
- 3.Гуруҳ талабалари ҳужжатларининг ҳолати

Сўзга чиқдилар: гуруҳ мураббийси З.Н. Бобоева, ҳохирги вақтда Ўзбекистон Республикасида ҳар соҳада жуда катта ишлар қилинмоқда. Бу ютуқларимизнинг негизида тарихда ўтган буюк аждодларимиз қолдирган илмий манбаларнинг ҳам ўрни жуда катта. Тарихда Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад ал-Хоразмий, Хожа Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи каби жуда буюк алломалар ўтган.

Бу олимлар ўзлари фаолият кўрсатган соҳаларидан ташқари, бевосита таълим тарбия жараёнига таалуқли бўлган кўплаб ноёб асарлар қолдирганлар. Уларнинг илмий манбалари чет мамлакатларда ҳам кенг қўлланилади. Абу Али ибн Сино асарларида таърифланган касалликларни даволашда қўлланиладиган доривор ўсимликлар ҳақидаги, касалликларнинг келиб чиқиши, даволаш чора усуллари ҳалигача ўз аҳамиятини йўқотмаган. Амир Темур тузуклари, Алишер Навоий асарлари, Аҳмад ал-Фарғоний асарлари ифодаланган манбалар ёшларни тарбиялашда кенг қўлланилмоқда.

Гуруҳ сардори Н.Зукурова сўзга чиқиб ўз фикрларини баён этди. Шунингдек, З.Мукумова, гуруҳ Ёшлар Иттифоқи сардори У. Обиджонов сўзлади.

Иккинчи масала юзасидан Н.Зукурова маълумот берди. Талабаларнинг давомати яхши, лекин ўзлаштириш даражасини ошириш кераклигини таъкидлади. Гуруҳ талабаларининг ҳужжатлари тўлдирилди. Жадваллар, маълумотномалар тўлиқ.

Қарор қилинди:

1. Гуруҳ талабалари ўзлаштириш даражасини ошириш.
- 2.ТТА да белгиланган тартиб қоидаларга риоя қилиш

Гурух мураббийси

З.Н.Бобоева